

25-64-241100- сонли
КРЕДИТЛАРНИ СУГУРТА ҚИЛИШ БОШ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш.

«30» июл 2024 йил

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2023 йил 26 сентябрда берилган 135840-сон лицензия асосида ҳаракат қиладиган, кейинги ўринларда «Суғурталовчи» деб аталаған “SEMURG INSURANCE” АЖ номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи **Бош Директор Р.Кадиров** бир томондан, ва кейинги ўринларда «Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи» деб номланувчи “DAVR BANK” ХАТБЕ, унинг номидан Низом асосида фаолият юритувчи **Бошқарув Раиси А.А.Самадов** иккинчи томондан, мазкур Кредитларни суғурта қилиш бош шартномаси (кейинги ўринларда - Суғурта шартномаси) ни қуидагилар тұғрисида түздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу суғурта шартномасининг предмети ушбу суғурта шартномасининг 1-иловасида күрсатилган кредитларни қайтарилемаслик хатарини суғурта қилишдир.

1.2. Суғурта объекти – Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи томонидан берилган кредитларни қайтариш бўйича Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида кредит шартномаси бўйича кўрилган заарлар билан боғлиқ мулкий манфаатларидир.

1.3. Ушбу Суғурта шартномасига мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи Суғурталовчига иловаларда тақдим этилган хужжатлар ва маълумотлар ушбу суғурта шартномасининг ажralmas қисми эканлигини ҳамда ўз ичига ишончли ва тегишли маълумотларни олганлигини тасдиқлайдилар.

II. АТАМАЛАР.

Ушбу Суғурта шартномасида қўлланиладиган атамалар, қуидагича таърифланади:

Суғурталовчи – Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини тўлаш мажбуриятини зиммасига олувчи юридик шахс – “SEMURG INSURANCE” АЖ.

Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи – Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловларини олиш учун белгиланган юридик шахс.

Қарз олувчи – суғурта шартномасида келишилган суғурта мукофотини (суғурта тўловини) тўловчи, Суғурта қилдирувчи билан тузилган кредитларини суғурта қилиш шартномасига асосан кредит олувчи жисмоний шахс (Суғурта қилдирувчининг мижозлари);

Кредит шартномаси – ҳуқуқий фуқаролик шартномаси бўлиб, унга кўра Суғурталовчи Қарз олувчига ушбу Суғурта шартномасининг 1-иловасида күрсатилган Кредит шартномасида назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағларини (кредит) беришни ва Қарз олувчини зудлик билан олинган пул маблағларини қайтаришни ва унга ҳисобланган фоизларни тўлашни ўз зиммасига олади.

Суғурта полиси – суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига бериладиган суғурта мукофоти/биринчи/навбатдаги суғурта бадали тўланганидан кейин ва суғурталовчининг ушбу суғурта шартномаси бўйича мажбуриятлари кучга кирганилигини тасдиқловчи ҳужжат.

Суғурта суммаси – суғурта ҳодисаси юз берганда ушбу Суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи олдидаги мажбуриятларининг максимал миқдорини ифодаловчи гаров ёки бошқа таъминот турлари билан таъминланмаган кредит қисмининг суммасига тенг бўлган маблағлар миқдори. Суғурта муддати давомида Қарз олувчи кредит суммасини (асосий қарзни) қайтариши ҳисобига суғурта суммаси (тўланган/қайтарилган асосий қарз суммасига) камаяди.

Суғурта ҳодисаси – ҳақиқатда юз берган ҳодиса бўлиб, унинг юзага келиши билан Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига суғурта қопламасини тўлашга мажбур бўлади.

Кутиш даври – бу Суғурта шартномаси декларациясида күрсатилган вақт оралиғи бўлиб, ундан кейин суғурта ҳодисаси содир бўлган деб ҳисобланади, Кутиш даври Кредит шартномасида назарда тутилган кредитни тўлиқ тўлаш муддати тугаган куннинг кейинги кунидан ёки ушбу ҳодисаларнинг қайси бири илгари содир бўлганлигига қараб, Суғурта қилдирувчининг мумкин бўлган йўқотиши юзага келган кундан бошланади.

Суғурта қопламаси – суғурта ҳодисаси юз бергандан сўнг Суғурта қилдирувчига етказилган зарарни қоплаш учун суғурта суммаси доирасида тўланган пул маблағлари.

Суғурта мукофоти (суғурта бадали) – Қарз олувчи ушбу Суғурта шартномасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда Суғурталовчига суғурта учун тўлаши шарт бўлган тўлов.

Суғурта шартномасининг муддати – суғурта шартномаси амал қиладиган муддат мобайнидаги давр.

Суғурта даври – суғурта полисида кўрсатилган давр. Ушбу шартномада кўзда тутилган суғурта шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан қўлланилади ва суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати давомида амал қиласди.

III-БЎЛIM. СУГУРТА ҲОДИСАЛАРИ.

3.1. Мазкур суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи томонидан кредит шартномасида белгиланган шартлар ва муддатларга мувофиқ суғурта суммаси доирасида Қарз олувчининг Суғурта қилдирувчига/Қарз берувчига ўз вақтида тўловларни амалга ошириш бўйича Қарз олувчининг суғурта шартномаси амал қилиш муддати давомида баҳтсиз ҳодиса туфайли вафот этиши натижасида кредит тўловларини шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда тўланмаслиги натижасида содир бўлган (ушбу суғурта шартномасининг 4-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно) таваккалчиликлар суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

IV. ИСТИСНОЛАР.

4.1. Қуйидаги ҳолатларда ушбу суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси тан олинмайди ва Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод қилинади:

а) кредит суммасига ҳисобланган ҳар қандай пенялар, жарималар, неустойка, бой берилган фойда ёки даромад, банк комиссиялари ва бошқалар, Қарз олувчи томонидан тўланмаган кредитнинг (асосий қарзининг) гаров ёки таъминотнинг бошқа турлари билан таъминланмаган қисми бундан мустасно;

б) қуйидагиларнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлган Қарз олувчи томонидан кўрилган зарар:

- Кредит шартномасини расмийлаштиришда/кредит беришда Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакиллари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига риоя қилинмаслиги;

- Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи унинг вакиллари томонидан кредит мажбуриятлари бажарилмаслиги;

- Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бузганда ёки кредитлаш қоида ва қўлланмаларига риоя этмаганда (масалан, кредитни бериш муддатларининг бузилиши, келишмаган ҳолда кредит миқдорининг ўзгартирилиши, кредитни бошқа мақсадларга берилиши ва х.к.);

- Қарз олувчининг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширган ҳаражатларига;

- Қарз олувчининг айби билан Суғурталовчининг талаб қилиш (суброгация) хукуки мавжуд бўйласа;

- кредитнинг гаров ёки таъминотнинг бошқа турлари билан таъминланмаган бўлса ёки Суғурталовчи билан келишилмасдан қрдитнинг таъминоти сифатида гаровга қўйилган мол-мулкни бегоналаштириш бўлса;

- Қарз олувчи ушбу суғурта шартномасининг 8.2 бандида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаслиги;

- Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи маълумотларни тақдим этишида, Суғурталовчи суғурта шартномасини тузишга қарор қилишига асос бўлган суғурта хатари тўғрисида фикр юритиш учун зарур бўлган ҳолатлар ҳақида ёлғон маълумотлар тақдим этган бўлса;

в) агар суғурта ҳодисаси Суғурта қилдирувчининг ёки Қарз олувчининг суғурта ҳодисаси юзага келишига қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида содир бўлган бўлса, фуқаролик бурчини бажариш ёки Суғурта қилдирувчининг, Қарз олувчининг ёки учинчи шахсларнинг хаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлик ҳаракатлар бундан мустасно;

д) Агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи ушбу Суғурта шартномаси шартларини бузган бўлса;

е) Агар Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи суғурта ҳодисасининг сабаби ва ҳолатларини, шунингдек зарар миқдорини аниқлашда Суғурталовчининг иштирок этишига тўқсиналиқ қилган бўлса;

ж) Суғурта қилдирувчининг айби туфайли Суғурталовчининг суброгация тартибида даъво тақдим эта олмаслиги;

и) кредит маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳужжатларни: тўлов топшириқномалари, бажарилган ишлар сертификатлари, ҳисобварак-фактуралар, товар олинганлиги тўғрисидаги ҳисобварак-фактуралар ва бошқаларни тақдим этмаслини;

к) Суғурталанувчи томонидан кредит маблағларидан фойдаланиши бўйича назорат йўқлиги ёки Қарз олувчининг кредит маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслиги.

4.2. Суғурта қуйидагиларга амал қилмайди:

а) кредит шартномаси бўйича жарималар, ўзгалар пулидан фойдаланиш бўйича фоизлар, суд харажатлари;

б) қуидагилар оқибатида кредитни қайтармаслик холатлари:

- қарз олувчининг кредитдан тўлиқ ёки қисман мақсадга мувофиқ фойдаланмаслиги;
- қарз олувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ дебиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрмаслик;
- Суфурталовчи билан олдиндан келишилмаган ҳолда Қарз олувчининг мол-мулкини суфурталашнинг ушбу Суфурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида Суфурта қилдирувчи томонидан бегоналаштириш.

V. СУФУРТА ҚИЙМАТИ, СУФУРТА СУММАСИ, ФРАНШИЗА МИҚДОРИ, СУФУРТА МУКОФОТИ, УНИ ТЎЛАШ ШАКЛИ ВА ТАРТИБИ.

5.1. Ушбу Суфурта шартномаси бўйича Суфурта суммаси ва Суфурта мукофоти ушбу Шартноманинг 1-иловасида келтирилган.

5.2. Суфурта мукофоти (ёки унинг биринчи қисми) Тарафлар Суфурта шартномасини имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда тўланган бўлиши керак.

5.3. Мазкур шартнома бўйича умумий суфурта мукофоти (бадал) 1-иловада кўрсатилган.

5.4. Суфурта мукофоти Қарз олувчи томонидан бир йўла нақд пул, пул ўтказиш йўли билан мазкур шартнома имзоланганидан кейин уч банк куни ичida тўланади.

5.5. Суфурта полиси суфурта мукофоти Суфурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушганидан кейин 5 (беш) банк куни ичida берилади, нақд пул билан тўланганда ўша вақтнинг ўзида берилади.

5.6. Суфурта полиси суфурта мукофотининг туланган қисми/траншига мутаносиб бўлган муддатга берилади.

5.7. Мазкур шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида (сўмда) амалга оширилади.

5.8. Ҳар бир суфурта ҳодисаси бўйича шартсиз франшизанинг миқдори суфурта суммасидан 0,0 (ноль) фоизни ташкил этади.

5.9. Агар суфурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суфурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суфурталовчи мазкур суфурta шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суфурta товони миқдорини суфурta мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суфурta бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

VI-БЎЛИМ. СУФУРТА ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

6.1. Ушбу Суфурta шартномаси тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, келишилган суфурta мукофотини ёки унинг биринчи тўловини ўз вақтида тўлаш ва ушбу шартномага 1-иловада кўрсатилган муддат давомида амал қиласди.

6.2. Суфурta мукофоти ёки унинг биринчи бадали ўз вақтида тўланмаган тақдирда ушбу Суфурta шартномаси келишилган суфурta мукофоти ёки унинг бир қисми тўланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу шартномага 1-иловада кўрсатилган муддат давомида амал қиласди. Суфурталовчининг ёки унинг Суфурta агентининг банк ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган куни суфурta мукофоти ёки унинг қисмини тўлаш санааси деб ҳисобланади.

6.3. Ушбу шартномада назарда тутилган суфurta Суфурta шартномаси кучга киргандан кейин содир бўлган суфурta ҳодисаларига тегишли бўлиб, суфурta полисида кўрсатилган суфurta муддати давомида амал қиласdi.

6.4. Суфурta полиси суфurta мукофоти (ёки назарда тутилган суfurta бадаллари) тўлиқ тўланган кундан бошлаб 3 иш куни ичida берилади. Суфурta мукофоти тўлиқ тўланмаган тақdирda суfurta полиси суfurta мукофotinинг tўlanGAN қismiغا mutanosiB muddatiga beriladi.

6.5. Суфурталовчи, Суфурta қилдируvchi va/ёki Қарз олувчи исталган вақтда суfurta шартnomasidan voz kechiш xукуqiga эга. . Суфурталовчи, Суфурta қилдируvchi va/ёki Қарз олувчи Sufrta шartnomasini muddatiidan oldin rad etgan taqdirda, Sufrtalovchiga tўlanGAN sufrta mukofoti sufrta muddati tugamagan sufrta muddati учun qaytariлиши lозим, bunda tўlanGAN sufrta mukofotiidan Sufrtalovchinинг xarajatlari (ishni yoritiш) chegiriб tashlanadi.

6.6. Агар ушбу шартнома бўйича Суфурталовчи суfurta товонини tўlagan bўlسا, bunday tўlov miqdoriidan qatъi назар, sufurrta mukofoti qaytariilmайдi,

VII. СУФУРТА ШАРТНОМАСИНГ ТЎХТАТИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ.

7.1. Ҳар бир томон Суфурta шартномасини исталган пайтда, бошқа томонни охирги манзили бўйича юборилган хат билан, тахминий бекор қилиш санаасидан кечи билан ўттиз кун аввал хабардор

қилган ҳолда (Наф олувчининг розилиги билан), бекор қилиш хуқуқига эга.

7.2. Суғурта шартномасининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- Унинг амал қилиш муддати тугаганда;
- Суғурталовчи ўзининг шартнома бўйича мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганда;
- Шартнома томонлардан бирининг талабига кўра бекор қилинганда;
- Суғурта қилдирувчининг талабига (ташабусига) биноан Суғурталовчи суғурталаш шартларини бузганда;
- Суғурталовчининг Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатлари билан белгиланган тартибда тугатилиши;
- суд Суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.3. Агар Қарз олувчи суғурта шартномаси шартларига мувофиқ суғурта мукофотининг навбатдаги қисми (транши)ни ўз вактида тўламаган бўлса, мазкур суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан бир тарафлама бекор бўлган ҳисобланади ва Суғурталовчи ушбу суғурта шартномаси бўйича жавобгарлик олиб бормайди.

7.4. Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Бу ҳолда суғурта мукофоти қайтарилмайди.

7.5. Агар суғурта шартномаси тузилганидан кейин Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи Суғурталовчига била туриб ҳолатлар тўғрисида ёлғон маълумот берганлиги аниқланса, Суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб тан олишни талаб қилишга ҳақлидир.

VIII-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

8.1. Қарз олувчи қўйидаги хуқуқларга эга:

8.1.1. Суғурта шартномаси муддати давомида суғурта масалалари бўйича бепул маслаҳатлар олиш;

8.1.2. Суғурта шартномаси муддати давомида гаров ёки бошқа таъминот турлари билан таъминланмаган кредитнинг бир қисми қайtarilgach, Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиш.

8.1.3. Суғурталовчидан гаровга кўйилган мол-мулкни ва кредит маблағлари ҳисобига олинган мол-мулкни Кредит шартномасининг бутун муддати давомида алоҳида ҳақ эвазига суғурta қилдириш;

8.2. Қарз олувчи қўйидаги мажбуриятларга эга:

8.2.1. суғурта мукофотини Суғурталовчига ушбу Суғурта шартномасида назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўлаш;

8.2.2. суғурта ҳодисаси юз беришининг олдини олиш учун барча чораларни кўриш, кредит маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилиш;

8.2.3. Кредит шартномаси шартларига киритилиши мумкин бўлган ўзгаришлар, шу жумладан, кредит мажбуриятидаги шахслар ўзгариши ҳақида Суғурталовчини хабардор қилиш;

8.2.4. Қарз олувчининг кредит шартномаси бўйича қайtarish жадвалини бузганилиги ёки кредит маблағларидан мақсадга мувофиқ фойдаланмаслик фактларини аниқлаши ҳақида хабар бериш;

8.2.5. Суғурта муддати давомида ушбу Суғурта шартномасида назарда тутилган Кредит шартномаси (гаров/кафолат/кафиллик) бўйича бошқа гаровнинг мавжудлигини таъминлаш;

8.2.6. кредитдан фойдаланишни мониторинг қилиш санасидан олдин бу ҳақда Суғурталовчига хабар бериш ва унинг вакили мониторингда иштирок этиши учун имконият яратиш;

8.2.7. суғурталовчининг илтимосига кўра, кредит шартномаси/бизнес-режа/техник-иктисодий асослаш бўйича лойиҳани амалга ошириш/бажарилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумотни ва кредит шартномаси билан боғлиқ бошқа хужжатларни, шунингдек суғурta ҳодисаси юз беришининг факт ва ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиш;

8.2.8. юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бу ҳақда Суғурталовчига 5 календар кундан кечиктирмай хабар бериш.

8.2.9. кредит шартномаси бўйича олинган кредит маблағларидан бизнес-режа/техник-иктисодий асос ва Кредит шартномаси билан боғлиқ бошқа хужжатларда назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш;

8.3. Суғурта қилдирувчининг/Қарз берувчининг мажбуриятлари:

8.3.1. Суғурта шартномасини тузиш чорига Суғурталовчига хабар қилинган ҳолатлардаги ўзига маълум бўлиб қолган муҳим ўзгаришлар ҳақида Суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиш, яъни:

а) боғлиқ бизнес-режа /техник-иктисодий асос ва Кредит шартномаси билан бошқа хужжатлarda кўзда тутилган лойиҳани бажарish муддатининг бузилиши;

- б) ҳисобот чораги давомида Қарз олувчи фойдасининг камайиши;
в) Кредит шартномасига асосан молиялаштириладиган шартномалар шартларининг ўзгариши;
г) Кредит шартномаси бўйича Суѓурта қилдирувчи олдидағи мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир қилиши мумкин бўлган Қарз олувчининг ишлаб чиқариш фаолиятини тугатиш ёки тўхтатиб туриш,;
д) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 500 (беш юз) бараваридан ортиқ миқдорда муддати ўтган дебиторлик ва/ёки кредиторлик қарзларининг юзага келиши.
е) ваколатли органлар томонидан ёки суд қарори билан Қарз олувчининг ишлаб чиқариш фаолиятини белгиланган тартибда тақиқлаш;
ж) Давлат органлари томонидан Қарз олувчига нисбатан молиявий санкцияларнинг қўлланилиши;
з) гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўйиш ва бошқалар.;
и) ушбу суѓурта шартномаси декларациясида кўрсатилган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш учун тақдим етилган бошқа таъминотнинг (мол-мулқ, кафиллик, кафиллик ва бошқаларнинг) тугатилиши ёки зарар етказилиши..

8.3.3. Суѓурталовчининг сўровига кўра, Кредит шартномаси бўйича лойиҳанинг амалга оширилиши/бажарилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот ёки маълумотни/бизнес-режа/техник-иктисодий асосни ва кредит шартномаси билан боғлиқ бошқа хужжатларни тақдим этиш.

8.3.4. Суѓурталовчи талаб қилиши мумкин бўлган, заарнинг сабаби ва миқдори билан боғлиқ бошқа етарли далиллар билан таъминлаш;

8.3.5. Суѓурталовчига барча хужжатлар ва далилларни тақдим этиш ва Суѓурталовчига суброгация ва регресс тартибида унга берилган даъво хукуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотлар ҳақида хабар бериш.

8.3.6. яшаш ва рўйхатдан ўтган жойи ўзгарган тақдирда Суѓурталовчига бу ҳакда ўзгартириш киритилган кундан бошлаб 5 календар кундан кечиктирмай хабар бериш;

8.3.7. ундирув Кредит шартномаси бўйича гаров предмети бўлган мол-мулкга қаратилган тақдирда, гаровга қўйилган мол-мулкни сотиш шартларини олдиндан келишиб олиш, хусусан гаровга қўйилган мол-мулқ сотиладиган нархни келишиб олиш;

8.3.8. Қарз олувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ ҳар қандай жиноятда айборликда тан олиш тўғрисида хукукий иш қўзғатилган тақдирда.

8.4. Суѓурталовчи қўйидаги хукуқларга эга:

8.4.1. Суѓурта шартномаси муддати давомида Суѓурта қилдирувчи билан биргаликда мониторингда иштирок этиш, хужжатларни талаб қилиш ва хужжатлар асосида Қарз олувчининг ҳақиқий молиявий ҳолатини текшириш ва кредит шартномаси томонидан молиялаштириладиган битимлар билан боғлиқ маълумотларни талаб қилиш;

8.4.2. Қарз олувчи/Суѓурта қилдирувчи томонидан ушбу суѓурта шартномасида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда Суѓурта шартномасини бир томонлама бекор қилиш;

8.5. Суѓурталовчи қўйидагиларга мажбур:

8.5.1. Суѓурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчига суѓурта масалалари бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар бериш;

8.5.2. ушбу Суѓурта шартномасида белгиланган муддатларда ва тартибда Суѓурта полисини бериш;

8.5.3. Суѓурта ҳодисаси юз бергач, Суѓурта қилдирувчига ушбу Суѓурта шартномасида белгиланган тартибда ва миқдорларда суѓурта товонини тўлаш;

8.5.4. Суѓурта қилдирувчи/Қарз берувчи/ Қарз олувчи ва уларнинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилмаслик, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.5.5. барча хабарлар /сўровларга жавоб / ушбу Суѓурта шартномасининг ижроси билан боғлиқ муайян ҳаракатларни мувофиқлаштириш дарҳол, бироқ Суѓурта шартномасини тузиш чоғида Суѓурталовчига хабар қилинган ҳолатлардаги муҳим ўзгаришлар ҳақида аниқлаш учун сўров олингандан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай амалга оширилиши.

IX. СУЃУРТА ТОВОНИ.

9.1. Ушбу шартноманинг 3.1. бандида кўрсатиб ўтилган суѓурта ҳодисаси юз берганда Суѓурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи бу ҳакда дарҳол (72 соат ичida) ёзма, электрон ёки хабар беришнинг бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган холда Суѓурталовчи суѓурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисида хабар беради. Бунда Кредит шартномаси ва берилган суѓурта полисига мувофиқ Суѓурта

қилдирувчи ва/ ёки Қарз олувчи ва Суғурталовчи билан ўзаро боғланиб, мазкур Суғурта шартномаси шартларига мувофиқ иш тутиши лозим.

9.2. Суғурта қилдирувчи хабарномада Қарз олувчи Кредит шартномаси бўйича тўловларини кечикитирган муддати 90 (тўқсон) календарь кунидан ошганлиги, Қарз олувчининг муддати ўтган асосий қарз ва муддати ўтган фоиз қарздорлиги учун хисобланадиган барча фоизлар миқдори баён қилиниб, суғурта товонини тўлаш бўйича тасдиқловчи хужжатлар илова қилинади.

9.3. Суғурта товони Суғурта қилдирувчига Қарз олувчи томонидан кредитнинг гаров ёки бошқа турдаги таъминот билан таъминланмаган қисми миқдорида, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланади. Суғурта товони миқдори ҳақиқатда олинган кредит миқдори ва кредитнинг гаров ёки бошқа турдаги таъминот билан таъминланган қисми ўртасидаги фарқдан кредитнинг асосий қисмини сўндириш учун йўналтирилган пул маблағларини айириб (чегириб) қолган ҳолда аниқланади.

9.3.1. Махсус шартлар: Суғурта қилдирувчи фақатгина кредит қайтарилишини таъминлашнинг бошқа шакллари бўйича берилган хукуқларни амалга оширганидан кейин зарарни қоплаш учун Суғурталовчига даъво қиласи (ундириш ва гаровга қўйилган мол-мulkни ёки гаровга қўйилган хукуқларни сотганидан кейин, кафолатлар, кафилликлар ва бошқалар бўйича пул маблағларини ундириш). Бунда, таъминотнинг бошқа турлари бўйича тақдим этилган хукуқларни амалга ошириш деганда, масалани Суғурта қилдирувчи фойдасига якуний ҳал қилиш барча тартиблардан ўтишни ёки таъминотнинг муайян тури учун маблағ ундириш имконияти йўқлиги ҳақида суд ижроисининг якуний қарорини беришини назарда тутади.

9.4. Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юзага келганлиги аниқланганда бу ҳақида ариза бериши, шунингдек Суғурталовчига зиён содир бўлганлигини ва миқдорини аниқлаш имконини берувчи хужжатларни:

- Қарз олувчи кредитни сўндириш учун пул маблағлари ўтказиш ҳақида тўлов топширикномалари нусхалари;

- кредит шартномаси амал қилган муддатда маблағлар ҳаракати тўғрисида Қарз олувчининг асосий ва ссуда хисоб рақамларидан кўчирмалар;

- жорий санада Қарз олувчининг хисоб рақамидаги маблағлар сальдоси тўғрисида банк маълумотномаси;

- Қарз олувчи умидсиз деб тавсифланлигини тасдиқловчи банк Бошқаруви қарори нусхалари тақдим этилиши лозим.

- Кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисидаги суд қарори нусхаси;

- ўтказилган мониторинг натижасида Қарз олувчини тўлов қобилиятига эга эмаслиги тўғрисида мониторинг хужжатлари нусхаларини;

- Қарз олувчи вафот этганлиги бўйича хужжат нусхалари.

9.5. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи томонидан тақдим этилган хужжатлар ўрганиб чиқади ва 15 (үн беш) банк куни ичida суғурта ҳодисаси юз берганлиги ёки йўқлиги тўғрисида далолатнома тузади. Суғурта ҳодисаси юз берганлиги аниқ бўлса, суғурта қопламаси (товони) миқдорини аниқлайди, ҳамда суғурта ҳодисаси тан олинганлиги ҳақида тузилган далолатномада акс эттиради, далолатнома 2 (икки) нусхада тайёрланади ва Суғурталовчи ва Наф олувчи тарафларнинг масъул ходимлар томонидан имзоланади ҳамда Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи суғурта товони тўланганлиги (Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчининг талаб қилиш хукуки Суғурталовчига ўтганлиги) тўғрисида Қарз олувчига ёзма равишда ҳабар берадилар. Бунда имзо қўйиш жараёнида томон ва томонлар ўзининг эътиroz (фикр)ларини маълумотномада акс эттирадилар.

9.6. Ушбу Суғурта шартномаси талабларига кўра суғурта товони аниқланган тақдирда тузилган ва томонлар тасдиқланган далолатномага кўра 5 (беш) банк куни ичida Суғурта қилдирувчига ушбу шартномани 9.4 бандига асосан тақдим этилган хужжатга асосан суғурта товони тўлаб берилади.

Х-БЎЛИМ. ФОРС-МАЖОР.

10.1. Агар суғурта ҳодисаси: ядрорий портлаш, радиация ёки радиоактив ифлосланиш; ҳарбий ҳаракатлар, ҳарбий маневрлар ва бошқа ҳарбий чоралар; давлат органларининг буйруғи билан мулкни олиб қўйиш, мусодара қилиш, реквизиция қилиш, хатлаш ёки йўқ қилиш натижасида содир бўлган бўлса, Суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашдан озод қилинади.

ХІ-БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ ВА РЕГРЕСС.

11.1. Тўлиқ ёки қисман суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига шу сумма доирасида Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчининг етказилянган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан регресс талаби хукуки ўтади.

11.2. Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчининг суғурта товонини олгандан сўнг Суғурталовчига рересс талаби хуқуқини амалга ошириш учун барча зарурий ҳужжатларни бериши ва барча чораларни кўриши шарт.

11.3. Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчининг суғурта ҳодисаси юз беришига айбдор шахсга нисбатан даъводан ёки унга қўйилган талабларни амалга ошириувчи хукуқдан воз кечса, шунингдек, Суғурталовчига рересс талабларни амалга ошириш учун зарурий ҳужжатларни беришдан бош тортса, Суғурталовчи суғурта товонини бутунлай ёки маълум бир қисмини тўлаб беришдан озод қилинади ва ортиқча тўланган суғурта товони қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақли.

XII-БЎЛIM. БОШҚА ШАРТЛАР.

12.1. Ушбу суғурта шартномасининг шартлари тарафларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши мумкин. Суғурта шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги шартнома ёзма равища амалга оширилади.

12.2. Ушбу суғурта шартномаси шартлари ўзгарган тақдирда мажбуриятлар суғурта шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги ёзма шартномада кўрсатилган санадан бошлаб ўзгартирилган ҳисобланади.

12.3. Ушбу суғурта шартномаси 3 (тўрт) нусхада тузилиб, Тарафларнинг ҳар бирида биттадан нусха сақланади ва бир хил юридик кучга эга бўлади.

12.4. Суғурта шартномаси бўйича хуқук ва мажбуриятларни учинчи шахсларга ўтказишга тарафларнинг ёзма розилигисиз йўл қўйилмайди.

12.5. Ушбу суғурта шартномасида назарда тутилмаган барча холларда Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий асослари тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиласидилар.

12.6. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи махфийлик учун жавобгардир ва ушбу суғурта шартномасининг мазмунини, иловаларини ва ушбу Суғурта шартномасига тегишли бошқа ҳужжатларни тегишли тарафнинг олдиндан ёзма рухсатисиз учинчи томонга ошкор қиласидилар.

12.7. Ушбу суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ва келишувга эришилмаган тақдирда судда ҳал қилинади.

12.8. Суғурта шартномаси тарафлари, шунингдек томонларнинг ҳар бирининг вакиллари ёки ходимлари ушбу суғурта шартномаси билан боғлиқ фирмада ёки махфий маълумотларни томонларнинг ҳар бирининг олдиндан ёзма розилигисиз ошкор қиласидилар.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**СУҒУРТАЛОВЧИ:
“SEMURG INSURANCE” АЖ**

Манзил: Тошкент шахри, Яшнабод тумани,
Содик Азимов кўчаси, 50 уй.
Х/р: 2021 4000 9052 0466 7087
Банк: ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор
филиали
Банк коди: 01121
СТИР: 307 281 137
Тел.: +998 71 205-11-55

**НАФ ОЛУВЧИ:
“DAVR BANK” ХАТБ**

Манзил: Тошкент шахри, Навоий-
Зарқайнар кўчаси, Блок А.
Х/р: 2980 1000 3000 0098 1776
Банк коди: 00881
СТИР: 203 709 707
Тел.: +998 71 204-40-40

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ НОМИДАН:

Бош директор
Р.К.Кадиров




ИМЗО

www.semurginsurance.uzinfo@semurgins.uz

М.ў.

НАФ ОЛУВЧИ НОМИДАН:

Бошқарув Раиси
А.А.Самадов



М.ў.

1251, +998 71 205-11-55

2024 йил «30» июлдаги
25-64-241100-сонли Кредитларни
суғурта қилиш бош шартномасининг
1-иловаси

1-бўлим. Умумий маълумотлар:

1.1.	Қарз қилдирувчи	
1.2.	Суғурта шартномасининг даври	___ () ой
1.3.	Суғурта даври	Суғурта полисида кўрсатилган
1.4.	Суғурта олувчи	
1.5.	Кредит шартномаси раҳами ва санаси	
1.6.	Кредит шартномаси суммаси	
1.7.	Кредит муддати	

2-бўлим. Суғурта суммаси ва мукофоти:

2.1.	Суғурта суммаси	
2.2.	Шартнома бўйича умумий суғурта мукофоти	
2.3.	Тўланган суғурта мукофоти	

Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи ва Қарз олувчи ушбу ариза-анкетада хабар қилинган маълумотлар
ҳақконийлигини ҳамда суғурта шартномаси тузиш ва имзолаш учун асос бўла олишини тасдиклайди.
Шу билан биргаликда, Суғурта қилдирувчи/Қарз берувчи ва Қарз олувчи суғурта шартномаси билан
танишганлиги ва суғурта шартларига розилиги тасдиклайди.

ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ
номидан

(имзо) м.ў.

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ/
ҚАРЗ БЕРУВЧИ номидан

м.ў.

ҚАРЗ ОЛУВЧИ
номидан

(имзо) м.ў.

КРЕДИТЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ПОЛИСИ

“SEMRG INSURANCE” АЖ, 2024 йил 30 июлдаги № 25-64-241100—
соңли кредитларни суғурта қилиш бош шартномасыда күрсатилған
таваккалчиликлардан суғурта ҳимоясина тақдим этади:

1.	Суғурта қилдирувчи/ Қарз берувчи:	
2.	Қарз олувчи:	
3.	Кредит суммаси:	_____ (_____) сум.
4.	Суғурта суммаси:	_____ (_____) сум.
5.	Суғурта даври:	20 ____ й. « ____ » _____ дан 20 ____ й. « ____ » _____ соат 24.00 гача амал қиласы.
6.	Суғурта мухофозасы:	_____ (_____) сум.
7.	Суғурта мухофозасы тұланған сана:	« ____ » _____ 20 ____ г.

Суғурталовчи номидан:

(имзо) м.ү.

Берилған сана: 20 ____ й. « ____ » _____